

САНЪАТ МУЗЕЙИДА
ВЕСТАВКА

Ўзбекистон Давлат санъат музейида улуғ рус шоири А. С. Пушкин вафотининг 125 йиллигига бағишланган виставка очилди.

Виставкада замон доширассом ва ҳайкалтарошларнинг Пушкинга бағишланган 60 га яқин асарлари бор. Санъаткорлар ўз асарларида шоирнинг ўлмас сиймоси, ёрқин бўёқлари, нафис, таъсирчан ва тугал яратиб, унинг чуқур ижодий фикрларини ташқи дунё билан чамбарчас боғлаб берганлар.

Рассом В. Мантэ, Гейтман ва ҳайкалтарош П. Трубчиклар буюк шоир сиймосини яратган бўлсалар, пейзажчи — рассом Капелунни Пушкин юрган ва ижод қилиб ҳаёт кечирган жойларнинг табиат манзаралари қизиқтирган.

Виставкада шоир асарларидаги қаҳрамонларга ҳам катта ўрин берилган. Булар ичида, рассом Г. Мясоедовнинг «Борис Годунов» асаридан илҳомланиб ишлаган «Соҳта Дмитрийнинг қочиши» картинаси ўзининг тугал композицияси ва нафис бўёқлари билан диққатни жалб этади.

А. С. Пушкин хотирасига бағишланган музей лекторийсида буюк шоир ва унинг замондошлари тўғрисида лекциялар ҳам ўқилмоқда.

Тургун АБДУЛЛАЕВ,
музейнинг бош илмий
хотими.



ЙЎҚ, У ЎЛМАГАН!

Кимдир: «Пушкин вафоти кунин... Нега, буюк шоир ўлди!» — дер. Ишонмадим ўлган деб уни... Баҳслашман, қани кўнинг бер!... У — қалбимда, тилимда бутун, Кўчамизда кўраман ҳар кун.

Тўлқин РАЖАБИЙ.

ПУШКИН АСАРЛАРИ
ЎЗБЕК ТИЛИДА

Буюк шоир А. С. Пушкин ўзбек китобхоналариغا Октябрь социалистик революциясидан илгаридек танланган. Унинг «Баллиқчи ва баллиқ ҳақида эрта» асари 1890 йилларда ўзбек тилига таржима қилиниб, халқимиз орасида шухрат қозongan.

Рус халқининг адабиётига, ҳусусан, Пушкин асарларига бўлган қизиқинг Октябрь социалистик революциясидан кейин, айниқса, кучайди. А. С. Пушкиннинг даяри ҳамма шеърлари, прозани ва драматик асарлари ўзбек тилига таржима этилиб нашр қилинди. Бу асарлар халқимиз орасида кенг тарқалган.

Гениал шоирнинг асарларини таржима қилишда ўзбек адабиётининг кўзга кўринган намоёндаларидан Ойбек, Гафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Хамид Олимжон, М. Шайхзода, Зулфия, Хамид Ғулом, Миртемир ва бошқа адибларимиз самарали меҳнат қилдилар. Атоқли ўзбек ёзувчиси Ойбек таржима қилган «Евгений Онегин» шеърини халқимиз томонидан севиб ўқилмоқда.

Шоирнинг «Сибирга мактуб», «Чаадаевга», «Арион», «Эркинлик», шунингдек, кўпгина нафис лирик шеърлари ўзбек китобхоналарида ҳа бўлиб кетган.

А. С. Пушкиннинг «Мис чавандоз», «Капитан қизи», «Дубровский», «Борис Годунов», «Қизгоччиқ рицарь», «Тош меҳмон», «Улуғ Петрининг ҳабаши», «Кавказ асри» каби йирик прозани ва драматик асарлари ҳаётининг, халқчилиги, бадиий шишқилиги ҳамда тилининг ўткирлиги билан узоқ йиллардан бери ўз қилматини сақлаб келмоқда.

Улуғ шоирнинг ўлмас асарлари дунёнинг юздан ортқ халқ тилига таржима қилинган. Шу кунгача буюк санъаткорнинг 4 томлик танланган асарларини ўз ора тилларида ўқиб келаётган ўзбек китобхоналарида Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти 1963 йилда шоирнинг 6 томлик танланган асарларини совға қилади.



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

2-БЕТ, 10 ФЕВРАЛЬ, 1962 ЙИЛ.

Суратда: ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли адабиёт институтида улуғ рус ёзувчиси Пушкин вафотининг 125 йиллигига бағишланган виставкада. М. Комлев фотоси.

«Пушкиндан илгари ўтган шоирларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида эга бўлган барча нарсаларга Пушкиннинг ёлғиз ўзи эга эди; бундан ташқари, Пушкиннинг яна жуда кўп ўз шахсий хусусиятлари бор эдики, бу хусусиятларга уларнинг биронтаси ҳам эга эмас эди; ўтмиш шоирларини эгаллаб олган барча нарсаларга Пушкин бемалол эгаллик қилар эди. Биз мана шунинг учун ҳам рус поэзиясини Пушкиндан бошлаймиз ва уни дастлабки рус шоири деб атаймиз».

В. Г. БЕЛИНСКИЙ.

ҲАЙКАЛ

Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзинга. Халқнинг келар йўлини манса-ўтлар қилмас байд. У мағрур қад кўтарди бош эгмасдан таъзимга, Александр қўбасидан ҳам баланд.

Йўқ, бутунлай ўзайман, — қалбим яшар дирамда Тупроғим-ла чиримай, яшайди у то абал. То бирон шоир-поир қолар экан оламда, Мени сира тарк этмайди шон-шухрат.

Овозим-ла чулганур поёни йўқ улуғ Русь, Ўндаги барча эллар мени ёдлайди ҳар дам. Мағрур славян насли, бутунги авом туғус, Фий халқию, дашлар дўсти қалмоқ ҳам.

Узоқ замон халқ меҳринга бўлажакман мушарраф. Чунки, рубобим билан эзу ҳислар тугидирдим. Шу ёвуз замонамда қуйладим эрини мақтаб, Хор-зорларга ачинмоққа қақирдим.

Тангри ҳукмидан чиқма, эй илҳомин парисен. Рақибда — хотир бўлма, тоғу-туғамбардан кеч. Лоқайд қабул этавер малху-туҳмат барисин, Аҳмоқ билан эса ўчақимша ҳеч.

Рамз БОБОЖОН таржимаси.

БУЮК АДИБ ХОТИРАСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкин вафотига 125 йил тўлиши кўнини катта таъйиравлик билан кўтиб олди.

Институтидаги адабиёт музейи ходимлари А. С. Пушкин ҳаёти ва ижодини кенг ёритишдаги таъкид қилдилар. Стенда шон портретини ҳамда улуғ шоирнинг ўз халқи ва юнажон Ватани ҳақида айтган жўшқин мисраларини кўриш мумкин. Стенда турли миллат вакилларининг ўлмас шоир ҳақидаги чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан айтган фикр ва баҳоларини ифода этувчи саҳифалар бор. Унда биз буюк рус революцион демократлари Н. Г. Чернышевский, В. Г. Белинский, Н. А. Добролюбовларнинг, шунингдек Н. В. Гоголь, Н. А. Некрасов каби буюк ёзувчиларининг А. С. Пушкин ижоди ҳақида ёзган қимматли баҳоларини ўқиймиз. Стенда атоқли совет ёзувчилари М. Горь-

кий, Н. Тихонов, А. А. Фадеев томонидан Пушкин шеърларининг бадиий кучи, қудрати ҳақида айтган фикрларини; қарош халқлар адабиёти вакилларининг: Мирза Фаталли Охундов, буюк оқин Н. М. Сулаймон Сталскийнинг муҳаббат тўла сўзлари, ўзбек совет ёзувчиларидан Ойбек, Хамид Олимжонларнинг буюк шоир ва узоқ Пушкинга бағишлаб ёзган шеърларидан олинган жўшқин мисралар ҳамда чет эл адабиёти вакилларидан Хитой шоири Эми Сю, Чили шоири Пабло Неруда ва бошқаларнинг Пушкин ҳақидаги мазмунли гаплари зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Пушкин асарлари қаҳрамонларининг суратлари ҳам стендан муносиб ўрин олган.

Институт илмий ходимлари рус поэзиянинг кўеши бўлган А. С. Пушкин ижодини янада чуқурроқ ўрганиш, аниқсра, буюк шоир шеърларининг ўзбек совет ёзувчилари ижодига қўрсатган сама-

ралли таъсири масалаларини аниқлаш соҳасида катта илмий ишлар олиб бормоқдалар.

Бутун тил ва адабиёт институти ишлатилиши Ўзбекистон ёзувчилари соҳиб билан ҳамкорликда А. С. Пушкин вафотига этган кўнга бағишланган катта илмий сессия ўтказилди. Сессия программасига шоир М. Шайхзодадан А. С. Пушкин ҳаёти ва ижоди ҳақидаги кириш нутқи, «А. С. Пушкин асарлари ўзбек тилида» деган доклад билан бир каторда республикада буюк ёзувчиларининг Пушкиндан қилинган таржималарини ҳамда ўзбек ёзувчиларининг буюк шоирга бағишлаб ёзган шеърларини ўқиб беришга қаратилган қишқилари ҳам киритилган.

Буюк рус шоири А. С. Пушкин вафоти кўнининг республикада кенг нишонланиши рус ва ўзбек халқлари ўртасидаги ленинча буюкмас дўстлигининг ёрқин намоёнига айланади. Улуғ шоир шеърларини ўзбек китобхоналари доимо севиб ўқиб келдилар ва ўқимолдалар, унинг асарлари улуғвор ва ўлмасдир.

М. МИРЗААХМЕДОВА,
ЎзССР Фанлар академияси
тил ва адабиёт институтининг
илмий ходими.

Бой адабий
мерос

«Пушкин номи тилга олинган замонда фикрда рус миллий шоирнинг ёрқин сиймоси гавдаланади. Ҳақиқатан ҳам шоирларимизнинг биронтаси ундан юқориги миллий шоир деб атала олмайдми. Николой Васильевич Гоголь гениал санъаткорнинг рус адабиётида тутган мавқияни ана шундай юксак баҳолаган эди.

Пушкин асарларининг миллионлаб кишилар қалбига сингиб кетгани, китобхоналар орасида қўла-қўла бўлиши, тақвор ва тақвор нашр этилиши бу фикрнинг ёрқин исботидир. Улуғ шоир бизга «Евгений Онегин», «Руслан ва Людмила», «Дубровский», «Капитан қизи», «Пиковая дама», «Богдасаров фонти» каби йирик бадиий полотнолар, лирик шеърлар ва аjoyиб эртақлардан иборат бой адабий мерос қолдирди. Бу асарлар йилдан-йилга кўп нусхада босилиб чиқди, турли миллатларнинг тилига таржима қилиниб келди. Тошкентдаги Алишер Навоий номи халқ кутубхонасида шоирнинг вафотига 125 йил тўлиши муносабати билан ташкил қилинган виставка стендалри шундай далолат бериб турибди.

Виставка стендалрини тамоша қилар экансиз, Пушкиннинг улкан ижоди, буюк рус адабиётининг асосий сифатида тутган ўрни, унинг давримиз билан ҳаммафаслиги намоён бўлади. Шоирга Добролюбов, Белинский, Горький ва бошқа адибларнинг берган баҳоларини ҳамма кизиқиб ўқимолда. Гениал шоир ижоди ҳақида ёзилган талайгина илмий асарлар ҳам виставкадан муносиб ўрин олган.

М. СОАТОВ

АДАБИЙ КЕЧА

Чирчиқ шаҳридаги 4-кутубхонада улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкин бағишланган китоб ва фотосуратлар витринаси ташкил қилинди. Бу ерда шоир хотирасига бағишланган адабий кеча ҳам ўтказилди. Кутубхона муdiri А. С. Пушкин ҳаёти ва ижоди ҳақида қилган докладдан китобхоналар эзу қизикши билан тингаладилар. 18 мактаб ўқувчиларидан А. Темедрасева, В. Кириченко, О. Кирсанова ва бошқа ўқуғлар шоирнинг энг яхши шеърларини ёддан ўқиб бердилар. Кеча жуда қизқарди ўтди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

УЛКАН ШОИР

келажакга чуқур ишонган ҳолда, ўз замондошларини ана шу келажак учун курашга даъват этган эди.

Ишон, шубҳа қилма, келар у замон,
Балқар бахт юлдузи — дилбар
Россия уйқудан уйғонар, инон.
Шоҳлик вайронаси устига.

Езлажак бизнинг номлар,
Бегумон.

Пушкин жуда кўп масалалар юзасидан декабристлар билан бир фикрда бўлса ҳам, халқнинг тарихий тараққиётдаги ролини декабристларга қараганда бошқачароқ тушунар эди.

В. И. Ленин рус революцион ҳаракати давридаги дворян эйеллари фаолиятини характерлаб, улар халқдан жуда узоқ туралар, деб айтган эди. Бу революцион ҳаракат доирасида инсониятда тор эди. Буни яхши тушушдан Пушкин илгори дворян эйелларининг халқдан узоқлигини уларнинг фожиаси деб билди. Пушкиннинг «Евгений Онегин» номи машҳур шеърини романининг бош қаҳрамонини халқдан ажратиб қолганлиги учун танқид қилдилар.

«Евгений Онегин» романи жаҳон адабиётининг дастлабки реалистик асарларидан биридир. Унда ўша давр воқеаларининг кенг қамраб олинганлиги, унда илгари сурилган проблемаларнинг чуқур ва мураккаблиги бу асарни ўша даврдаги рус ҳаётининг энг аниқ акс этганлиги билан таъкид қилинган. Бу асарда Пушкин инсон шахсининг тақдирини халқдан иттилоилари билан подшо давлати қонунилари ўртасидаги келишмовчиликни кўрсатди. Петр I тисмолда Пушкин иритуви, куруви, кишини, шунингдек инсон тақдирини оёқ ости қилган самодержавиенинг шафқатсиз кўзини кўрсатди. Мис чавандоз «кичик одам» бўлган Евгенийнинг тоғтаб ташлаиди, унинг бахтини поймол қилди. Адолатсиз жамоиятда инсон ҳуқуқи билан даъват ҳуқуқи бир-бирига сира мувофиқ келмайди. Бу қарама-қаршилик социалистик жамият қуришганга қадар бўлган даврда сира ҳал қилиб бўлмайдиган муамма эди.

Ҳақим жихатидан унчалик катта бўлмаган бу поэма Пушкиннинг кишини ўзига мафтун этувчи гўзал шеърларининг энг яхши намуналаридандир. Асарда тасвирланган воқеалар чинакам ҳаёт, нафис ва кўркам бўлиб, реалистик жихатдан аниқ ифода қилинган. Мана бир кинос:

Қамал! Босқин! Қарай тўлқин
Ўғридай уйларга қараб ўрмалар,
Тўлқин зарби билан келиб келаман
Дераза ойнасин қилар чилларчин.

Мис чавандоз Евгенийнинг орасидан қувғонлигини акс эттиришдан фантастик лаҳза асарда жуда жовий тасвирланган: Тун бўйи, шу хилда, ҳусисиз бечора,
Тентираб қаерга босмасин қадам,
Мис отлик изидан қолмади сира,
Гурс-гурс тугёк товуши келди оққандан.

Кишини ёмон йўлларга бошловчи, уни маънавий жихатдан бузувчи пул ва бойлик темаси ҳам

да эндигина тугилиб келаятган капиталистик уклани қоралаш Пушкиннинг «Пиковая дама» повестида ўз аксини топган. Бу асар жаҳон адабиётида новелла жанрида яратилган энг етуқ асарлардан биридир. Асарнинг бош қаҳрамони Герман буржуазия табақасидан чиққан киши бўлиб, у бойлик кетидан қувғин тугайли ўзининг бутун инсоний қиёфасини йўқотди. Динот қилинганга бориб етди. Шунинг айтиш керакики, бу асарда Пушкин ёки дунёнинг буржуазия ичидан чиққан қарама-қарши қилиб қўйилган.

Ватан бир реакцион адабиёт шунослар Пушкинни «соф санъат» шоири деб кўрсатишга уриндилар. Бунда улар Пушкиннинг айрим шеърларини мисолга келтириб, уни ҳозирги даврнинг ақуал масалаларидан ва муҳим сий проблемаларидан узоқда турган ҳамда поэзиянинг ижтимоий аҳамиятини инкор этувчи шоир деб тухмат қилдилар. Аслинча «соф санъат» деб аталган санъат шоир учун ҳамма бекоса бўлган эди. Пушкиннинг фикрига кўра, шоирнинг роли пайғамбарнинг, курашчининг роли билан тенгдир.

— «Кўзгал, эй пайғамбар, менга кулоқ сол, таратгил,
Денгизда, тупроқда айлан, айт мақол,
Сўз айтиб инсонлар қалбини ёқайли» — шоир шундай деб хитоб қилди.

Пушкин новаторлигининг бу хусуси хос хусусияти шунданки, бу хусусиат ҳаммада чуқур ғойий маъна мунини ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун ҳам буюк санъаткорнинг адабий мероси фақат рус халқининггина эмас, балки шу билан бирга, бутун прогрессив инсониятнинг ҳам мулки бўлиб қолди. Пушкин кўп миллатли совет халқларининг қардошчил оиласига жуда яқин ва қадрдир. Унинг асарлари мамлакатимиздаги ҳамма халқларнинг тиллари таржима қилинган.

Ўзбек китобхоналари ҳам Пушкин асарларини юксак қадрлаб, севиб ўқимолдалар. Талантли ёзувчиларимиз Ойбек, Хамид Олимжон, Миртемир, Шайхзода ва бошқалар рус адабиётининг фахри бўлган Пушкин асарларини ўзбек тилига таржима қилдилар.

Истеъдодли шоир ўз номи сўмас шон-шухратга бурканишининг олдидан кўриб бундай деган эди:

Овозим-ла чулганур поёни йўқ улуғ Русь,
Ўндаги барча эллар мени ёдлайди ҳар дам.

Мағрур славян насли, бутунги авом туғус,
Фий халқию, дашлар дўсти қалмоқ ҳам.

Узоқ замон халқ меҳринга бўлажакман мушарраф,
Чунки, рубобим билан эзу ҳислар тугидирдим.

Шу ёвуз замонамда қуйладим эрини мақтаб,
Хор-зорларга ачинмоққа қақирдим.

Мамлакатимизда улуғ шоир вафотининг 125 йиллиги нишонланаётган шу кунларда унинг қалб ҳарорати билан айтган бу сўзлари янада эзу куч билан жаранглаб эшитилмоқда.

Н. ВЛАДИМИРОВА,
филология фанлари кандидати.

